



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 1 » iyun

№ 336

Toshkent sh.

Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 январдаги 41-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида

Республика аҳолисини ўсимлик ёғи билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, ташқи бозордаги салбий конъюнктура ўзгаришларининг мамлакатимиз ички бозоридаги нарх-навога ва ижтимоий ҳолатга таъсирини юмшатиш ҳамда ички бозорда ўсимлик ёғи нархининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 январдаги 41-сон қарори билан тасдиқланган Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатидан 60–69-позициялар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов